

ТУРКИСТОН АССРДА СОВЕТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Б. Пасилов

**Т.ф.н. Низомий номидаги Ўзбекистон
миллий педагогика университетининг доценти**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427734>

Мақолада Туркистон АССРда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин унинг диний ва жаҳид мактабларига бўлган муносабати, шунингдек совет таълим тизимининг шаклланишига доир айрим масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Туркистон АССР, маориф, большевиклар партияси, совет ҳокимияти, жаҳид мактаби, совет таълим тизим.

Большевиклар учун халқ таълими, жамиятнинг бошқа жабҳалари сингари, муҳим мафкуравий характерга эга бўлган соҳа бўлиб, унга “буржуазиянинг ҳукмронлиги воситасидан жамиятнинг синфларга бўлинишини бутунлай йўқ қилиш воситасига, коммунистик қайта қуришнинг қуролига айлантириш”¹ вазифаси юклатилган эди. Шунингдек, “пролетариат диктатураси, яъни коммунизмни қуриш учун шарт-шароитни яратиш даврида” мактаб “нафақат коммунизм омилларини сингдирувчи, балки коммунизмни тўлиқ ўрнатиш учун пролетариатнинг ярим пролетариат ва меҳнаткашларнинг пролетариат бўлмаган қатламига ғоявий, ташкилий ва тарбиявий таъсирини ўтказиши учун ҳам керак эди”².

В. Ленин шунингдек совет мактабининг асосий функцияларидан бири сифатида қуйидаги вазифаларни уқтириб ўтади. Халқ таълими соҳасида “РКПнинг 1917-йилдаги инқилоби билан бошланган ишни яқунлашга яъни мактабни буржуа синфи воситасидан жамиятнинг синфларга бўлинишини бутунлай бекор (йўқ) қилиш, жамиятда коммунизмни барпо қилиш воситасига айлантиришга интилади”³. У ўзининг фикрини давом эттириб, совет мактаби олдида турган қуйидаги функцияларни кўрсатиб ўтади. “Пролетар диктатураси, яъни коммунизмни тўлиқ амалга оширишни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш даврида мактаблар нафақат умуман коммунизм тамойилларини ёйиш воситаси, балки пролетариат меҳнаткашларнинг ярим пролетар ва пролетар бўлмаган қатламларига мафкуравий, ташкилий ва тарбиявий таъсирини ўтказиш воситаси бўлиши керак, яъни мақсадли коммунизмни тўлиқ ўрнатишга қодир авлодни тарбиялаши лозимдир”. Бу йўлдаги энг бирламчи вазифа бу мактаб ва таълим ишларининг қуйидаги асосларини яъни 17 ёшгача бўлган барча жинсдаги болалар учун бепул ва мажбурий умумий ва политехник (назария ва амалиётда ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари билан таништирадиган) таълимни жорий қилиш бўлган⁴.

Бундан ташқари большевиклар партиясининг етакчиси В. Ленин томонидан 1917 йилда ҳали совет ҳокимияти ўрнатилмасдан туриб, ўзининг

¹ Ленин В.И. Полн. собр. соч., 5 изд. т. 38. – М., Политиздат, 1965. – С. 38.

² Ленин В.И. Полн. собр. соч., 5 изд. т. 38... – С. 38.

³ Ленин В.И. Полн. собр. соч., 5 изд. т. 38... – С. 431.

⁴ Ленин В.И. Полн. собр. соч., 5 изд. т. 38... – С. 431.

миллий масалага бағишланган мақоласида большевиклар “миллий-маданий автономияга” яъни таълим тизимини давлат назоратидан олиб қўйиш ва уни миллий сеймлар қўлига топширишга қарши эканликларини билдирган ва ушбу масала большевиклар партиясининг дастурий омилларидан бири эди⁵. Туркистондаги совет ҳукумати учун большевистик мафқурани маданий ҳаётга сингдириш ва коммунистик ғояни тарғиб қилиш устувор масалаларидан бири эди. Шу сабабли совет ҳокимияти ўрнатилган биринчи йиллардаёқ бу масала Туркистон компартияси томонидан илгари сурилди.

Жумладан, Туркистон Совет Республикаси ХКС ва Вақтинча Ҳарбий-Революцион Советининг 1919 йилнинг 3-февралдаги буйруғида “ўқувчиларнинг аксилинқилобий (контрреволюцион) қисмини тарқатиб юбориш ва пролетариат болалари учун янги мактаблар яратиш” белгилаб қўйилган эди. Унга кўра, “учинчи босқич (ўрта) мактабларидаги буржуа синфининг фарзандлари, шунингдек собиқ кадетлар ўқувчи граждандарнинг хуқуқларидан фойдаланган ҳолда, совет ҳокимиятига нисбатан тоқатсизлик намоён қилишиб, “мактабни доимий равишда обрўсизлантириб келишган”. Шу сабабли, Туркистон ХКС ва Туркистон Муваффақ Ҳарбий-Революцион Совети президиуми томонидан “жиноий элементлар” учун мактабда жой йўқлигини таъкидлаб, учинчи босқич (ўрта) мактабларни ёпиш ва уларнинг ўқувчиларини тарқатиб юбориш ҳақида Ҳарбий-Революцион Совети (Временный Военно-революционный совет – ВРСТ) раиси Аристарх Андреевич Казаков имзоси билан қарор қабул қилди. Унга кўра ушбу мактаблардаги пролетариат ўқувчи фарзандлари халқ таълими бўлими тайинлаган мактаб мудирлари томонидан қабул қилиниши синфий омиллар билан боғлаб қўйилди. Яъни ўқувчиларнинг мактабга қабули икки нафар партия аъзоси (большевик-коммунистлар, сўл социал-революционерлар ёки пролетар иттифоқи касбий комитетлари) имзоси билан тасдиқланган, яъни ўқувчининг ҳақиқаттан ҳам пролетар синфига мансуб эканлиги ҳақидаги, гувоҳнома тақдим қилиниши билан белгилаб қўйилди⁶.

Лекин, таъкидлаш жоизки, большевиклар томонидан маориф соҳасидаги тазйиқларга қарамасдан, 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда мактабларга қабул қилишда синфийлик омилига эътибор берилмаган, яъни ўқишни хоҳлаганларнинг барчаси мактабга қабул қилинган. Ушбу ҳолат эса кейинчалик совет раҳбарлари томонидан қуйидагича танқид қилинади: “натижада камбағал аҳоли қатламининг фарзандлари четда қолиб, бойларнинг арзандалари таълим олишган”. Ўзбекистон КП (б) биринчи секретари А. Икрамов таъкидлаганидек, “шунинг учун ҳам яъни ўрта мактабларга ўқувчиларни қабул қилишда синфий ёндошишга аҳамият беришмаган ва бундай вазият 1920-йилларнинг ўрталарида ҳам сақланиб қолган”⁷.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилган биринчи йилларда маориф соҳасида зиддиятли жараёнларнинг кечиши кўзга ташланади. Жадидчилик

⁵ Ленин В.И. Полн. собр. соч., 5 изд. Т. 31... - С. 440; В.И. Ленин о Средней Азии и Казахстане... - С. 201.

⁶ Туркистан өлкесіндегі оқу-ағарту ісі. Құжаттар жинағы (1864-1929). - Шымкент - 2017. - Б. 75.

⁷ Акмаль Икрамов. Избранные труды в трех томах, Том I. - Ташкент, “Узбекистан”. 1972. - С. 226.

ҳаракатининг намоёндаларидан бири Мунаввар Қори Абдурашидхонов эътироф қилганидек, совет ҳукумати томонидан жадиidlар томонидан яратилган миллий мактабларга қаршилик қилинди.